

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**598** Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатадиган ягона марказларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарори амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек «ягона дарча» тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатадиган ягона марказларни (кейинги ўринларда «ягона дарча» маркази деб аталади) замонавий ташкилий техника ва компьютер ускуналари билан қўшимча равишда жиҳозлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг зарур замонавий ташкилий техника ва компьютер ускуналарини марказлаштирилган тарзда харид қилиш йўли билан «ягона дарча» марказларини қўшимча равишда жиҳозлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдолари ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 14 сентябрдаги 264-сон қарори билан ташкил этилган Ахборот технологияларини ва коммуникацияларни ривожлантириш соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш бўйича идоралараро тендер комиссияси:

«ягона дарча» марказларини қўшимча равишда жиҳозлаш учун замонавий ташкилий техника ва компьютер ускуналари етказиб берувчиларни аниқлаш бўйича энг яхши таклифларни, истисно тариқасида, ўн кун муддатда танлаб олсин;

харид қилинадиган ташкилий техника ва компьютер ускуналари белгиланган минимал талабларга мувофиқлиги юзасидан қатъий назоратни таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

ўтказилган танлов натижалари бўйича «ягона дарча» марказларини қўшимча равишда жиҳозлаш учун 1-иловага* мувофиқ таркибда ва микдорда замонавий ташкилий техника ва компьютер ускуналари харид қилишга етказиб берувчилар билан шартномалар тузилишини;

белгиланган минимал талабларни ҳисобга олган ҳолда «ягона дарча»

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

47 (703)-сон

— 23 —

598-599-моддалар

марказлари 2015 йил охиригача зарур мебель, инвентарь ва бошқа асбоб-ускуналар билан қўшимча равишда жиҳозланишини таъминласинлар.

4. Минтақалар бўйича «ягона дарча» марказларини қўшимча равишда жиҳозлаш учун замонавий ташкилий техника ва компьютер ускунасини харид қилишни молиялаштириш манбалари 2-иловага* мувофиқ белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ваколатли банк билан биргаликда «ягона дарча» марказларини қўшимча равишда жиҳозлаш учун замонавий ташкилий техника ва компьютер ускуналари харид қилиш учун маблағлар белгиланган тартибда конвертация қилинишини таъминлаш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 23 ноябрь,
335-сон